

МА Ё Л У М О Т
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг
2025 йилдаги фаолияти натижалари юзасидан

Академия томонидан 2025 йил давомида прокуратура органлари ходимлари ва ваколатли давлат органларининг тергов-суриштирув ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш, халқаро ҳамкорлик соҳаларида муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, бугунги кунда Академия прокуратура ва тергов-суриштирув органлари учун кадрларни ягона ёндашув асосида тайёрлайдиган, таълимнинг узлуксиз бакалавриат, магистратура, докторантура ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимига эга бўлган, **тўлақонли** ихтисослаштирилган **олий таълим** ва **илмий-тадқиқот муассасаси сифатида шакллантирилди.**

Штатлар юқори малакали ва профессионал мутахассислар билан **тўлдирилди.**

Хусусан, дунёда рейтинги юқори бўлган олий таълим муассасаларининг битирувчилари, шунингдек бой тажрибага эга амалиётчилар ва етакчи ўз соҳасининг олимларлари ва етук мутахассислари Академияда хизмат ўтамоқда.

Жумладан, ходимлардан 10 нафари **фан доктори**, 42 нафари **фалсафа доктори** илмий даражасига, 9 нафари **профессор**, 25 нафари эса **доцент** илмий унвонига эга.

Ўтган йилда Академиянинг бир қатор ходимлари Ўзбекистон Республикаси **Президент Администрацияси**, Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича **Евроосиё гуруҳи** ва республиканинг энг нуфузли **олий таълим муассасаларида масъулиятли** ҳамда **раҳбарлик** лавозимларига тайинлангани **Академия ходимлари салоҳиятига берилган юқори баҳодир.**

Академияда олий таълимнинг ҳар икки - бакалавриат ва магистратура босқичларида энг долзарб мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланиб келинмоқда.

Чунончи, жорий - 2025/2026 ўқув йилида Академия **бакалавриатининг** “Тергов фаолияти” ва “Прокурорлик фаолияти” йўналишларида **1 176** нафар талабага таълим берилмоқда.

Таълим жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида, ўқув машғулотларининг Академияда ташкил этилган полигон ва лабораторияларда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Академия талабалари **5 маротаба** халқаро олимпиадалар ва танловларда иштирок этиб, **3 нафар** талабалар юқори ўринларни эгаллади.

Бакалавриятнинг “Прокурорлик фаолияти” таълим йўналиши 2025/2026 ўқув йилидан масофавий таълим шаклида ўқитиш йўлга қўйилиб, ушбу таълим шаклига **95 нафар** номзодлар саралаб олиниб, ишдан ажралмаган ҳолда ўқув жараёнига жалб қилинди.

Шу жумладан, Бюронинг **121 нафар** ўрта махсус маълумотга эга амалдаги давлат ижрочилари масофавий таълим шаклида ишдан ажралмаган ҳолда балакалариат таълим йўналишида ўқишга қамраб олинди.

Хорижий олий таълим муассасалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ишлари натижасида **Янка Купала номидаги Гродно давлат университети** билан бакалавриат таълим йўналишида қўшма таълим дастури асосида 2+2 шаклида ўқитиш йўлга қўйилиб, **29 нафар** талабалар икки йил муддатга ўқиш учун **Белорус Республикасига** юборилди.

Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва уларнинг ижодий қобилиятини рағбатлантириш борасида олиб борилган ишлар натижасида “Тергов фаолияти” йўналиши **3-курс** талабаси **Ғаниев Хуршидбек Ёқубжон ўғли Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси**, “Прокурорлик фаолияти” йўналиши **3-курс** талабаси **Кушмаков Расулбек Тошматжонович Ислон Каримов номли давлат стипендияси** соҳиби бўлдилар.

Бакалавриат таълим йўналишида ўқув жараёни ташкил этишда **назария ва амалиёт уйғунлигини** таъминлаш мақсадида жорий ўқув йилидан **дуал таълим машғулотлари** йўлга қўйилди.

Хусусан, талабалар назарий дарс машғулотларидан кейин Тошкент шаҳридаги **ички ишлар ва прокуратура органларининг малакали терговчиларига бириктирилиб**, назарий дарс машғулотларидан кейин **амалиёт жойларида иш ўрганишлари** ташкил этилди.

Талабаларга берилган ўқув-амалий топшириқлар профессор-ўқитувчилар томонидан бевосита амалиёт жойларига чиқиб ўрганилиб, уларнинг касбий кўникмалари баҳоланиб келинган. Ушбу таълим шакли талабаларнинг билим ва компетенциялари ҳуқуқни қўллаш амалиётига мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

Битирувчилар ўқиш давомида **иш ўрганиши** учун уларнинг **186 нафари ички ишлар** органлари тергов бўлинмалари, **46 нафари прокуратура** органларининг тергов тармоқларининг малакали терговчиларига бириктирилди.

Академия **бакалавриятининг** Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналиши бўйича 2025 йилда **283 нафар** талабалар ўқишни тамомлаб, улардан **229 нафари (80 %) ички ишлар** органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларига хизматга тақсимланиб, маҳалла ҳуқуқ тартибот масканларида хизмат олиб бормоқдалар.

Магистратурада 5 та мутахасслик бўйича **382** нафар тингловчи таълимнинг кундузги, кечки ва масофавий шаклларида таҳсил олмоқда.

2025/2026 ўқув йилида ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан **20 фоиздан** ортиқ номзодлар магистратура ўқишга кириш учун ўтказилган танловларда иштирок этди.

Жорий ўқув йилидан эътиборан **“Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш”** номли **янги магистратура мутахассислиги**да таълим жараёни муваффақиятли бошланди.

Мазкур ўқув йилидан бошлаб, илк бор **“Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш”** ва **“Прокурорлик фаолияти”** мутахассисликларига алоҳида контингент сифатида ваколатли давлат органлари ходимлари ўқишга қабул қилинди.

Магистратура тингловчиси **Холиқов Азизжон Ҳаётжонович** Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида ўтказилган **“Китобхон ёшлар лигаси”** онлайн китобхонлик республика танловида иштирок этиб фахрли ўринга сазовор бўлди.

Кенг жамоатчилик ўртасида ўтказилган сўровнома натижасига кўра, Академия **“Йилнинг энг яхши таълим муассасалари - 2025”** танловида **биринчи ўринни** эгаллади.

Прокуратура органлари ходимлари, ваколатли давлат органларининг тергов-суриштирув ходимлари ва бошқа давлат органлари ходимларининг **малакасини ошириш** ва **қайта тайёрлаш** йўналишида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, **30 320 нафар** ходимнинг малака ошириши таъминланган бўлиб, ваколатли органларнинг суришттирувчи ва терговчилари ҳамда прокуратура органларида хизмат ўтаётган жами **329 нафар** ходимлар касбий **қайта тайёрлаш** курсларида ўқитилиб, дипломлар берилди.

Шу жумладан, **прокуратура органларида раҳбарлик лавозимини** эгаллаш учун заҳирада турган кадрларни қайта тайёрлаш курсида иштирок этиб, имтиҳонларни муваффақиятли топширган **20 нафар** тингловчилар **дипломлар** топширилди.

Прокуратура органларига **илк бор хизматга қабул қилинган** ходимлар учун мажбурий бирламчи ихтисослашув шаклида ташкил этилган касбий қайта тайёрлаш курсларида **250 нафар** тингловчилар ўқитилиб, уларга дипломлар берилди.

Бундан ташқари, **“Қурилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил қилиш”** мавзусида **259 нафар** туман - шаҳар прокурорларининг соҳавий ёрдамчилари, **“Энергия ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш”** мавзусида **29 нафар** прокуратура ва Департамент ходимлари учун масофавий **малака ошириш курси** ташкил этилди.

Шунингдек, “Терроризм ва экстремизмга оид жиноятларни тергов ва квалификация қилиш масалалари”, “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни тергов ва квалификация қилиш масалалари”, “Божхона қонунчилигини бузиш, контрабанда ҳамда кибержиноятларни тергов ва квалификация қилиш масалалари” мавзуларида **махсус ўқув курслари** ташкил этилиб, унда **ДХХнинг 45 нафар терговчилари** иштирок этди.

Шу каби, АҚШ Федерал тергов бюроси билан ҳамкорликда прокуратура, ички ишлар ва давлат хавфсизлик хизмати органлари **терговчилари учун** “Портлашдан кейинги тергов ҳаракатлари” мавзусида **ўқув - амалий курс** ташкил этилди.

“ПроАкадемия” ахборот-таълим портали янада такомиллаштирилиб, унинг **янги 2.0 версияси** ишга туширилди. Бунда, бир қатор дастурий таъминотларнинг ўзаро интеграцияси таъминланиб, портал имкониятлари халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилди.

Ўқув жараёнига **сунъий интеллект** технологияларининг кенг тадбиқ этилиб, **яратилган виртуал ассистент** ва **ўқитувчи ҳамкорлигида** дарс ўтиш **тизими жорий** этилди.

Мазкур ёндашув тингловчилар учун ўқув материалларини тушунишни осонлаштириш ҳамда мустақил ўқиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фаолиятида учрайдиган **мураккаб** ва **муаммоли ҳолатларни моделлаштириш** мақсадида сунъий интеллект асосида **симуляция видеоларини** ишлаб чиқиш йўлга қўйилди.

Ҳозирда **6 та** йўналиш бўйича **ҳақиқий тергов амалиётида учрайдиган** вазиятларни акс эттирувчи **видеоматериаллар тайёрланиб**, курсларда кенг қўлланилмоқда.

Ушбу **симуляциялар тингловчиларда амалий қарор қабул қилиш** кўникмаларини шакллантириш, **мураккаб вазиятларни таҳлил қилиш** қобилиятини ривожлантириш ва хизмат фаолиятига тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, **“AI прокурор” рақамли ассистенти** ишлаб чиқилиб, машғулотларни бир нечта тилларда олиб бориш, ўқув материалларини тезкор тушунтириш ва саволларга интерактив тарзда жавоб бериш имкони яратилди.

Академиянинг илмий салоҳияти 2025 йил давомида **49** фоиздан **67 фоизга** кўтарилди.

Академия прокуратура органлари фаолиятига оид долзарб мавзуларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида **2025 йилда** тегишли ихтисосликлар бўйича жами **26 та**, шундан **19 таси** юридик фанлар бўйича фалсафа доктори ва **7 та** фан доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган тадқиқот ишлари Академия Илмий кенгашида ҳимоя қилинди.

Ҳозирда яна **18 нафар таянч докторант** ва **306 нафар мустақил изланувчи** Академияда илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бормоқда.

ОАК Раёсати қарори билан мамлакатимиздаги олий юридик таълим муассасаларидан фақатгина Академияга илмий унвонга талабгорлар учун **махсус имтиҳонни** ўтказиш ваколати берилган бўлиб, 2025 йилда юридик ва бошқа олий таълим муассасаларидан талабгорлар махсус имтиҳон топшириб, муваффақиятли ўтган **127 нафарига** тегишли **сертификатлар** топширилди.

Шунингдек, **80 нафар** талабгор ихтисосликдан ва **82 нафар** талабгор **чет тилидан малакавий имтиҳон** топширди.

Академияда профессор-ўқитувчилар томонидан **14 та монография**, хорижий илмий журналлар ҳамда халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўпламида **100 га яқин** (шундан *WEB of Science маълумотлар базасидаги журналларда 15 та*), ОАК рўйхатидаги журналларда **150 дан ортиқ илмий мақолалар**, шунингдек, республика ва халқаро миқёсдаги конференция тўплamlарида **200 га яқин тезислар** чиқарилди.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган **18 та** мақсадли **амалий тадқиқот лойиҳаси** тайёрланиб, шундан **4 таси** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан тасдиқланган. Қолган **14 таси** эълон қилиниш жараёнида.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясига мувофиқ аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириб боришнинг кенг қамровли тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида “**Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси**” электрон платформаси фаолияти **муваффақиятли** йўлга қўйилди.

Ушбу платформа орқали **пулик курсларни** муваффақиятли тамомлаган давлат органлари, идора ва ташкилотларнинг қарийб **44 минг нафар** ходимига **сертификатлар** тақдим этилди.

Академияда **рақамли криминалистика, жинойт даромадларни легаллаштириш** ва **терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, ноқонуний миграция, коррупция** каби глобал таҳдидли соҳаларда мамлакатимизда ягона бўлган **илмий мактаблар** яратилди.

Жумладан, Академиянинг Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган жинойтларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали тергов қилиш махсус рақамли усул ва воситалардан фойдаланиш таъминланиб, бу борада тизимли равишда илмий-тадқиқот базаси яратилмоқда.

Хусусан, Институтда сунъий интеллект, «**Big Data**» ва бошқа илғор технологиялар ёрдамида **жинойтларнинг рақамли изларини**

аниқлаш, олиб қўйиш, сақлаш ва таҳлил қилиш тизими шакллантирилди.

Кибержиноятчиликка қарши курашиш соҳасида уникал илмий-таълим тизими яратилиб, **халқаро ҳамкорлик ривожлантирилмоқда**, соҳада **малакали кадрлар тайёрлаш** ҳамда амалиётдаги муаммоларни бартараф этиш бўйича **илмий асосланган таклифлар** ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу соҳаларда қатор ходимлар **халқаро эксперт ва тренерлар** мақомида халқаро тадбирлар, малака ошириш курслари, баҳолаш ишларида иштирок этиб келмоқда.

Амалиётдаги муаммоларнинг илмий ёндашувлар асосида **ечимини топишдаги** Академиянинг **хиссаси** тобора ортиб бормоқда.

Мисол учун, суриштирув ва тергов фаолиятида рақамли далилларни олишда фойдаланиладиган махсус **дастурий таъминот**, содир этилган жиноятларнинг рақамли изларини аниқлашга мўлжалланган **махсус жамланма** ва воқеа жойини кўздан кечиришда фойдаланиш учун яратилган **360 градусли камера** Бош прокуратура ва бошқа ваколатли давлат юрганлари томонидан **амалиётга жорий қилинди**.

Академияда амалга оширилган бир нечта **эксперт-таҳлилий ва илмий** тадқиқотлар натижасига кўра Бош прокуратура раҳбариятига киритилган **ахборот хатларидаги таклифлар амалиётга татбиқ этилмоқда**.

Институт суриштирув ва тергов органлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, тезкор тадбирларда иштирок этиш билан бирга, терговчилар, экспертлар ва прокурорлар учун ўқув-амалий тадбирлари ўтказиб, услубий тавсиялар ва ҳаракатлар алгоритмларини ишлаб чиқмоқдалар.

Шу билан бирга, Институт мутахассислари томонидан муайян амалий натижалар ҳам қайд этилмоқда.

Бундан ташқари, рақамли экспертиза йўналишида **504 та эксперт хулосалари ва мутахассис фикрлари** тақдим этилди, **39 дан** ортиқ рақамли ахборот ташувчи қурилмалар соз ҳолатга келтирилиб, мураккаб компьютер-техникавий экспертизалар ўтказилди, маълумотлар чиқариб олиниб, рақамли излар таҳлил қилинди.

Жиноятларнинг содир этилиши сабаб ва шароитларини ўрганиш ва диагностика қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳолатини таҳлил қилиш, шу жумладан алоҳида турдаги жиноятларнинг олдини олиш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2025 йилдаги **ПҚ-1-сонли Қарорига** мувофиқ Академияга бириктирилган **Қашқадарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида**, шунингдек Тошкент шаҳрининг **Бектемир, Миробод ва Яшнобод** туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг **Олмалиқ ва Ангрен** шаҳарларида

жиноят содир этилган маҳаллаларда илмий ёндашувлар асосида ўрганишлар ўтказилди.

Унга кўра, 2025 йилда бириктирилган ҳудудлардаги **314 та “қизил”** ва **1 078 та “сарик”** тоифадаги маҳаллаларга бевосита чиққан ҳолда, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятларнинг олдини олиш ҳамда манзилли профилактика тизимини йўлга қўйишга қаратилган, ҳар чоракда тузиладиган ҳудудий йўл хариталарига киритиш мақсадида илмий асослантилган **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларига юборилиши таъминланди.

Президентнинг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сонли Қарорига мувофиқ, Академияга бириктирилган ҳудудлардаги **17 та** энг оғир маҳаллаларда, жиноятнинг туб сабаблари **“маҳалла еттилиги”** билан биргаликда илмий-амалий жиҳатдан ўрганилиб, ҳар бир маҳалла учун илмий асосланган **тавсиялар** ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган манзилли **йўл хариталари** ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Ҳар бир ҳудуд учун **ўғрилиқ, фирибгарлик, тан жароҳати етказиш ва безорилик** каби энг кўп содир этилаётган жиноятларни барвақт олдини олиш бўйича алоҳида **методикалар** (жами 12 та) яратилиб, амалиётда фойдаланиш учун жойларга юборилди.

“Криминоген вазияти оғир маҳаллаларда жиноятчиликнинг асл омилларига қарши фаолиятни ташкил этиш методикаси” номли **методик қўлланма** ҳамда ҳамкорликда “Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тартиби ва услубиёти” номли **ўқув-амалий қўлланма** тайёрланиб, барча ҳудудларга етказилди.

Прокурорларнинг **ҳар кунлик фаолиятини** ўзида акс эттирган **“Жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари алгоритми”** ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, “Туман (шаҳар) прокурорининг жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чек-листи” **дастурий таъминоти** тайёрланди.

Туман (шаҳар) прокуратураси ва ички ишлар органларининг масъул ходимлари учун махсус **“Тергов-тезкор гуруҳи учун чек-лист”** ишлаб чиқилди. Ушбу чек-лист **ўғрилиқ** жинояти содир бўлган жойда амалга оширилиши зарур бўлган барча процессуал ва функционал вазифалар алгоритминини ўзида акс эттиради.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш, еттилик вакиллариининг билим ва кўникмаларини замон талабларига мос равишда

ошириш мақсадида, инновацион ечим – “Quiz bot” электрон дастури яратилди.

Ўқув жараёнининг сифатини ошириш бўйича тажриба алмашиш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида юридик кадрларни тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва уларнинг малакасини оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан хорижий давлатлар муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида **2025 йилда** бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Аввало, яратилган қулай инфраструктурада ўқув-услугий ва илмий фаолият билан бирга, замонавий конференц-залларда қатор нуфузли **халқаро тадбирлар** ўтказилди.

Хусусан, 2025 йилда халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича хорижий ҳамкорлар билан **100 дан ортиқ тадбирлар**, шу жумладан **74 та учрашув, 30 га яқин** семинар, тренинг ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Академияга хорижий делегациялар (*АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Хитой, Қирғизистон, МДХ Бош прокурорлари мувофқилаштирувчи кенгаши (КСГП), Туркий давлатлар ташкилоти*) вакилларининг **10 га яқин ташрифи** амалга оширилди.

Масалан, ўтган йилнинг 19-20 июнь кунлари “Рақамли трансформация даврида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида замонавий чақириқлар ва таҳдидлар” мавзусидаги халқаро конференция доирасида 29 та давлатдан хорижий олий таълим муассасалари ҳамда халқаро ташкилотларнинг 50 нафар вакили иштирок этди.

Шунингдек, 2025 йилнинг **10 ноябрдан 10 декабрига** қадар Академиянинг **уч йиллик фаолияти** натижаларига бағишланган навбатдаги **Халқаро академик ойлик** ўтказилди.

Академик ойлик доирасида:

✓ давра суҳбати, семинарлар, тренинглар ва бошқа **11 та илмий-амалий** ва **ўқув тадбирлари** ташкил этилди;

Унда **700 нафардан** зиёд экспертлар, давлат органлари ходимлари, илмий доира вакиллари ҳамда **91 нафар** хорижий иштирокчилар шахсан қатнашди;

✓ **27 - 28 ноябрь** кунлари “Замонавий чақириқлар шароитида қонун устуворлигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар” мавзусида **халқаро конференция** ўтказилди;

Унда **350 нафардан** ортиқ миллий, хорижий мутахассис ва халқаро экспертлар, давлат органлари ҳамда илмий-таълим муассасаларнинг вакиллари, шу жумладан **35 та** давлатдан **49 та хорижий** олий таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари бевосита иштирок этди.

Масалан, тадбирда **Прокурорлар халқаро ассоциацияси** бош консули, **Қозоғистон** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва

Қирғизистон Бош прокуратураси Юридик академияси ректорлари, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқа хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг экспертлари, шунингдек, элчихоналар ва ваколатхоналари вакиллари қатнашди

Халқаро ҳамкорлик доирасида 2025 йилда Академия ва **хорижий олий ўқув муассасалари билан 7 та** ўзаро ҳамкорлик тўғрисида **меморандум** ва **келишувлар**, шунингдек **Ҳамкорлик дастурлари** имзоланди.

Халқаро ҳамкорлик доирасида Академия томонидан педагогик ва илмий ходимлар ҳамда тингловчиларнинг стажировкалари тизимли равишда ташкил этилиб, академик мобиллик дастурлари фаол амалга оширилмоқда.

Жумладан, ходимларнинг **50 дан** ортиғи 2025 йилда **24 та** давлатдаги ҳамкор муассасаларда ўқув ва илмий тадиқоқотлар амалга ошириши ташкил этилди.

Академия фаолиятига АҚШ, Австрия, Буюк Британия, Канада, Япония, Корея, Испания, Норвегия, Швеция, Латвия, Руминия, Молдова, Тунис, Россия, Беларусь, Украина давлатларидан **30 дан** ортиқ юқори малакали **хорижий мутахассислар (экспертлар)** жалб қилиниб, улар иштирокида **40 га яқин семинар, тренинг, ўқув машғулоти** ва **қўшма илмий тадқиқотлар** олиб борилди.

Бу каби тадбирларни Академиянинг тўлиқ ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда юқори даражада ташкил этиш учун барча замонавий қулайликларга эга бўлган **Академия меҳмонхонаси** ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Академия илк бор нуфузли **Times Higher Education Impact Rankings 2025** рейтингига юқори 1001-1500-университетлар рўйхатига кирди. Бунда, Академия Барқарор ривожланиш мақсадларининг (SDG) 8, 12 ва **16-мақсадлари бўйича** юқори **401-600** университетлар, **4 ва 17-мақсадлар бўйича** эса юқори **601-800** университетлар қаторидан ўрин олди.

Шунингдек Академия **UI GreenMetric World university rankings 2025** халқаро рейтингда **675-ўринни** эгаллади (*жорий йилда ушбу рейтингда 105 мамлакатдан 1745 та университет иштирок этган*).

Академияда яратилган **академик муҳит** ва ўқув-методик ҳамда илмий тадқиқот борасидаги **салоҳиятни нафақат миллий ҳамкорлар, балки халқаро ҳамжамият** ҳам эътироф этмоқда.

Хусусан, ўтган йилда **Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон** ва **Қирғиз Республикаларининг** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари **вакиллари** Академиямизда амалиёт ўтади.

Академияни минтақада ҳуқуқни қўллашнинг долзарб соҳаларида **малакали мутахассислар тайёрлаш ва тадқиқотлар ўтказиш бўйича “Хаб”**га айлантиришга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Академияни МДХ давлатлари учун прокурор - тергов ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича **базавий ташкилот** сифатида эътироф этиш масаласи МДХ давлатлари Бош прокурорларининг Мувофиқлаштирувчи кенгашида кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Академия фаолиятида ошкораликни таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Академияда 2025 йилда амалга оширилган **400 дан зиёд янгилик, эълон ва пресс-релиз, 2 120 дан зиёд** материал ижтимоий тармоқлар ва мессенджерлардаги янгиликлар канали ҳамда саҳифаларида эълон қилинди.

Оммавий ахборот воситалари билан доимий ҳамкорлик олиб борилиб, Академия фаолиятига оид телевидение орқали **225 дан ортиқ**, радиода **20 дан ортиқ** эшиттиришлар эфирга узатилди ва интернет нашрларида **30 дан ортиқ материаллар** чоп этилди.

Шунингдек, фаолият очиқлигини таъминлаш борасида тизимли тадбирлар ташкил этиб келинди: **5 та брифинг, 1 та пресс-конференция, 12 марта очиқ эшиклар куни** ўтказилди.